

9-30-2020

PROBLEMS OF STUDYING THE SCIENTIFIC HERITAGE OF HUSSEIN WAYZ KASHIFI

Ravshanbek Jalilovich Mahmudov
Gulistan State University, ravshanbek.jalilovich@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>



Part of the [Higher Education Administration Commons](#)

Recommended Citation

Mahmudov, Ravshanbek Jalilovich (2020) "PROBLEMS OF STUDYING THE SCIENTIFIC HERITAGE OF HUSSEIN WAYZ KASHIFI," *Bulletin of Gulistan State University*. Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 33.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2020/iss3/33>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Bulletin of Gulistan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Ijtimoiy - iqtisodiy fanlar

УДК 372.81

PROBLEMS OF STUDYING THE SCIENTIFIC HERITAGE OF HUSSEIN WAYZ KASHIFI

ХУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШ МУАММОЛАРИ

ПРОБЛЕМЫ ИЗУЧЕНИЯ НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ ХУСЕЙНА ВАИЗА КАШИФИ

Махмудов Равшанбек Жалилович

Гулистон давлат университети, 120100. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, IV-мавзе

E-mail: ravshanbek.jalilovich@mail.ru

Annotation: Today, the Eastern philosophical thinking, the valuable works are important to learn a unique study of the spiritual heritage of our ancestors. Therefore, especially in the middle of the East Asia one of the famous Hussein Waz Kashifi and "Akhlaki Mukhsini", "Risolay Khotamiya", "Anvori Suhaili", "Akhloki Karim", "Lubob-ul ma'navi fi-intikhobi", "Masnaviy", "Javohirnoma" are reflected in its philosophical and moral reasoning remains as a source of research, analysis and to the open position of the Eastern philosophy in the East, especially in the Central Asia. "Akhlaki Mukhsini" of Hussein Wayz Kashifi and the his ideas of put forward are very well.

Keywords: Mysticism, sharia, morality, the art of poetry, religion, translator, doctrine, mind, nature, philosophy.

Аннотация: Сегодня для восточного философского мышления важны ценные труды для изучения уникального духовного наследия наших предков. Поэтому особенно в Средней Азии один из знаменитых Хусейн Ваз Кашифи и «Ахлаки Мухсини», «Рисолай Хотамия», «Анвори Сухайли», «Ахлоки Карим», «Любоб-уль ма'нави фи-интихоби», «Маснавий», «Джавохирнома», отраженные в его философских и моральных рассуждениях, остаются источником исследования, анализа и открытой позиции восточной философии на Востоке, особенно в Центральной Азии. «Ахлаки Мухсини» Хусейна Ваза Кашифи и его идеи выдвигаются очень хорошо.

Ключевые слова: Мистицизм, шариат, мораль, искусство поэзии, религия, переводчик, доктрина, разум, природа, философия.

Кириш. Ҳар бир даврининг ўзига хос хусусиятлари бўлади. Сўнги уч йил Янги Ўзбекистон, янги давр деб аталмоқда. Ҳақиқатан ҳам кейинги уч йилда илм-фанни, таълимни, маърифатни, маънавиятни ривожлантиришга оид кўплаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилинаётганлиги билан эътиборлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қадимги ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари Марказий Осиёдан етишиб чиққан минглаб мутафаккирлар илмий меросларини ўқиб ўрганилишини янги босқичга кўтариб деб ўйлайман.

Ўзбекистон Фанлар академияси фундаментал кутубхонасида, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида, Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлёмалар институтида сақланаётган минглаб қўлёзма ва тошбосма асарлар ўқиш қийин бўлган форс, араб тилларидаги ва эски ўзбек ёзувидаги бебаҳо китоблар таржима қилиниб халқимиз маънавиятини ўсишига хизмат қилади деб ишонилганга имконият яратлади.

Марказий Осиё XIV–XV асрлар орасида вужудга келган ижтимоий–сиёсий барқарорлик туфайли ижтимоий–иқтисодий ҳаёт соҳаларида маданият, илм–фан, бадиият ҳамда санъат соҳаларида сезиларли илмий–маданий ютуқларга эришилди. Худди илк ўрта асрларда бўлганидек, илм–фан, маданиятнинг кўзга кўринган вакиллари етишиб чиқди. Улар орасида Саид Шариф Журжоний, Тафтазоний, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Жалолиддин Давоний, Кошифий, Бобур каби буюк донишманд, инсонпарвар, хассос олим ва фозиллар бор эди.

Тадқиқот объекти ва қўлланиладиган методлар

Хусайн Воиз Кошифий ҳаёт ва илмий мероси ўтган асрнинг 80-йилларигача нисбатан жуда кам ўрганилган эди. Хусайн Воиз Кошифийнинг исм-шарифи манбаларда, олимларнинг асарларида турлича номланган. Масалан: XV асрнинг машхур тарихчиси Гиёсиддин Хондамир «Мақорим ул-ахлоқ» асарида «Исми Хусайн ибн Али Байҳақий Ҳиравий, тахаллуси бўлиб, Воиз Кошифий номи билан машхур», деб ёзади [1]. «Хулосат ул-ахбор» асарида эса «Мавлоно Камолуддин Хусайн Воиз», Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Б.Аҳмедов [2] Камолуддин Хусайн ибн Али Воиз ал-Кошифий, Хусайн бинни Алиюл-Кошифий, академик А.Мирзоев Мулло Хусайн бинни Али Воиз Кошифий, Холик Мирзозода Хусайн Воиз Кошифий, тадқиқотчи О.Усмонова эса Камолуддин Хусайн бен Али Бойҳақи Хуросони, мутафаккир асарларининг қўлэмаларини кўчирувчи хатотлар эса «Китоби Хотамнома» асарида «Хусайн ал Кошифий» [3], «Ахлоқи Мухсиний» асарида эса Мавлоно Хусайн Воиз [4] деб атайдилар. Ленинградлик шарқшунос олим Абдурахмон Тохиржонов эса Камолуддин Хусайн ибн Али Воиз деб адабий тахаллусини эса ал-Кошифий, ал-Байҳақи, ас-Сабзавори, ал-Ҳарави деб юритилиши ҳақида маълумот беради [5], [6], [7]. Эрон олими Саид Нафисий Эрон антологиясининг биринчи жилдида Камолуддин Хусайн бин Кошифий Байҳақи Ҳарови, мулла Хусайн Кошифий, бошқа асарларида эса ал-Шикафий деб номланишини кўрсатади. Исм-шарифини бир неча хил қўлланиши бир мунча қийинчиликлар туғдиради, чалкашликларга олиб келади. Натижада баъзи олимлар Хусайн Воиз Кошифийнинг ўғли шоир, олим Фахриддин Али Сафий асарларини ҳам Кошифий асарлари деб талқин қиладилар [8].

Олинган натижалар ва уларни таҳлили

Бизнингча, «мавлоно», «камол», «махдум», «ҳаким», «мулла» сўзларининг умумий маъноси бир хил бўлиб ҳурмат, етуклик, ўқимишлилик, донишмадлик маъносида қўлланилган. Шунинг учун ҳам, бизнингча, унинг исми Камолуддин, отасининг исми эса Хусайн, воиз Кошифий – адабий тахаллусидир.

Демак, манбалар ва ишончли тадқиқотларга суяниб, Хусайн Воиз Кошифий тахминан 1440 йилларда Хуросон вилоятидаги Сабзавор шаҳрининг Байҳақ кентида туғилган, лекин унинг ота-онаси, болалиги ҳақида ҳеч қандай аниқ маълумот йўқ. Бизнингча, у бошланғич маълумотни Сабзаворда олади. У араб, форс ва туркий (чиғатой) ўзбек тилидан ва математика, астрономия, химия, адабиётдан тўлиқ маълумотга эга бўлади. Ёшлигиданоқ воизлик, сўз санъати билан шуғулланади. Натижада Сабзаворда ўзи ёш бўлса-да, кўзга кўринган воиз бўлиб танилади. Бизга номаълум бўлган сабабларга кўра, Нишопурда 1455–1468 йилларда эса Машҳадда яшаб воизлик қилади. 1468 йилнинг охирида Хусайн Воиз Кошифий Ҳиротга келади. Тарихчи олим Саид Нафисийнинг [9] айтишича, Кошифий умрининг охирида Ҳиндистонга сафар қилади. Унинг бу сафари ҳақида ҳам ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ. Кошифий 1505 йилда Ҳиротда вафот этади.

Хусайн Воиз Кошифийдан кўп илмий, бадий, таржима асарлар мерос қолган. Холик Мирзозода «Тоҷик адабиёти тарихи» [8] китобида Кошифийнинг 37, Саид Нафисий [9] – 38, тадқиқотчи О.Усмонова – 200 дан ортиқ, А.Тохиржонов [5] – 25 та асари борлиги ҳақида маълумот берадилар. Лекин ҳеч қайси бирлари (Тохиржоновдан бошқа) Хусайн Воиз Кошифий асарларининг номларини рўйхатини келтирмайдилар. О.Усмонова Кошифий асарининг рўйхати қайси кутубхоналарда, қайси мамлакатларда сақланаётганлигини кўрсатиб, 86 асари рўйхатга олинганлигини кўрсатиб ўтади. Шундан 36 таси юртимизда [10], 50 таси чет элларда, шундан 14 таси Эрон каталогларида, 18 таси Россия Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида, 4 таси С.Шчедрин номидаги Ленинград кутубхонасида, 3 таси Ленинград давлат университети кутубхонасида сақланмоқда, – деб кўрсатган.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлэмалар фондида Хусайн Воиз Кошифий асарларининг 75 та тошбосма нусхаси, 187 та қўлэзма нусхаси сақланмоқда [10].

Хусайн Воиз Кошифий ҳаёти ва ижодига қизиқиш уни ҳаётлигидаёқ бошланган эди. Буни юқорида келтирилган Мирхонд, Хондамир, Алишер Навоийларнинг Воиз Кошифийга берган баҳоларидан билса ҳам бўлади.

Машхур Ҳиротлик хаттот Султон Али Машҳадий 1502 йилда «Хотамнома», «Жавоҳирнома»ни, дарвеш Али Муҳаммад Тоқий 1477 йилда «Ўубобул-боб», «Ўубби-Ўубоби маънавий интихоби маънавий»ни, Бобожон Саной 1859 йилда «Ахлоқи Мухсиний»ни, Аҳмад Дониш 1882 йилда «Ўавойихул камар»ни, 1898 йилда «Анвори Суҳайлий»ни, Мавлавий Абдуллоҳ Котиб «Ўалила ва Димна»ни кўчирган [11]. Шунингдек, уни бошқа кўплаб асарлари хаттотлар томонидан кўчирилган ҳамда халқ ўртасида кенг тарқалган.

Озарбайжон шоири Фузулий Муҳаммад Сулаймон ўғли (1498–1556) «Хусайн Воиз Кошифийнинг «Ўавзат уш–шухадо» асарини форс тилидан озарбайжон тилига «Бахтлилар боғи» деб таржима қилган.

Машхур ўзбек шоири Муҳаммад Ризо Оғаҳий 1858 йилда, Мулла Ўроз Муҳаммад бин Устамқулибоев 1876 йилда «Ахлоқи Мухсиний» асарини форс тилидан эски ўзбек тилига таржима қилганлар.

Хусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Мухсиний», «Рисолаи Хотамий», яъни «Ўитоби Хотамнома», «Анвори Суҳайлий», яъни «Ўалила ва Димна» асарларининг арабча, форсча, татарча, эски ўзбек, урдуча, форс–араб тилларидаги бир неча нусхаси айна пайтда Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлғезмалар фондида ва Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлғезмалар институтида сақланмоқда[11].

Бундан ташқари, Хусайн Воиз Кошифий асарлари Париж, Лондон, Берлин шаҳарларида, Ироқ, Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Бангладеш ва бошқа мамлакатлар кутубхоналарида сақланмоқда. Кошифий асарларига кизиқиш чет мамлакатларда XVIII–XIX асрлардаёқ кучли бўлган. Фарбий Европанинг Х.Кин, М.Дуайт, Д.Дональдсон, Э.Браун, А.Арберри, Э.Кеннеди, Э.Розенталь, Х.Массе, К.Ламбтон, Р.Леви, А.Шастри каби шарқшунос олимлари Марказий Осиё ва Эроннинг XIV–XV асрлардаги ижтимоий–фалсафий фикр тараққиётини атрофлича ўрганишга ҳаракат қилганлар. Лекин уларнинг барчалари ҳам ўз дунёқарши моҳиятидан келиб чиқиб, XV асрда яшаган кўплаб мутафаккирлар қатори Воиз Кошифийга ҳам бир томонлама ёндошадилар. Профессор Ҳ.Алиқулов тўғри таъкидлаганидек, бу олимлар Воиз Кошифийнинг воиз бўлганлигига алоҳида диққат билан қарайдилар. Унинг ижодидаги илғор фикрларни эса кўра, тушуна олмайдилар. Масалан, эронлик олим Мирза Абдурахмон Воиз Кошифийни фақат ҳадисларни тушунтирувчи, сўфи [11] деб билади. Воиз Кошифий ижодида диний характерга эга бўлган, тасаввуфга бағишланган, шариат қонунлари ҳақидаги асарларинигина ҳисобга олиб уни танилган илоҳиётчи, дин тарғиботчиси, дин арбоби [12] деб таърифлайдилар халос. Шу билан биргаликда бир гуруҳ Фарбий Европа олимлари: Э.Браун, Х.Фаридийлар Воиз Кошифийни етук астроном, кимёгар, математик, тилшунос, адабиётшунос, истеъдодли нотик, мусикашунос деб юқори баҳолайдилар.

Хусайн Воиз Кошифийнинг бир неча асарлари «Ахлоқи Мухсиний», «Ахлоқи Карим», «Рисолати Хотамия», «Мавоҳиби олия» немис, инглиз, француз, турк, форс, араб, грек тилларида таржима қилинган. Асарлари каталогларини Европанинг таникли олимлари А.Крафт, В.Перч, О.Омер, Г.Эйте, Х.Рье, Э.Рехатэк, Ф.Карата, Даорн, Э.Браун, Е.Блоше, А.Арберрилар тузишган. Бу фикрларнинг ўзи Хусайн Воиз Кошифий ҳаёти ва ижоди, адабий мероси ўрганишга лойиқ эканлигини кўрсатади. Афсуски, Воиз Кошифий ижоди ва дунёқарашини, хусусан, ахлоқий мероси республикамызда 1991 йилгача алоҳида монографик тадқиқ қилинмаган эди.

Хусайн Воиз Кошифий ҳаёти ва ижодини ўрганишга биринчилардан бўлиб рус шарқшунос олими А.Семёнов киришган. У XX аср 50–йилларида Марказий Осиё олимлари қатори Хусайн Воиз Кошифий асарлари рўйхатини тузди[13]. 60–йилларда эса Абдурахмон Тоҳиржонов[5] XIV–XV асрларда яшаган Шарқ мутафаккирларининг асарлари рўйхатини тиклади. Бу рўйхатда Воиз Кошифий ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот берилиб, 25 асари санаб ўтилади. Шунингдек, Хусайн Воиз Кошифийнинг ўғли Фаҳриддин Али Сафий ҳақида ҳам маълумот беради ва унинг асарларини санаб кўрсатади.

Хусайн Воиз Кошифийнинг илмий мероси. Хусайн Воиз Кошифийнинг 200 дан ортиқ турли мавзулардаги асарлари мавжуд [14], [15]. Биз уларни бир неча гуруҳларга ажратамыз:

1. Ахлоқ–одобга бағишланган асарлари: «Ахлоқи Мухсиний», «Рисолаи Хотамия», «Анвори Суҳайлий», «Ахлоқи Карим», «Ўубоб–ул маънавий фи–интихоби», «Маснавий», «Жавоҳирнома».

2. Шеър санъати, адабиётшуносликка, тилшуносликка оид асарлари: «Бадое ал–афкор фи саное ул–ашъор», «Матлаи анвор», «Тафсири форсий», «Шарҳи Маснавий», «Манзумэ авомул алмата фи алнаҳу».

3. Тарихий асарлари: «Искандар ойномаси» («Жоми-жам»), «Алласама ал Хусайний», «Мавоҳиби алия» («Тафсири Хусайний», «Олий тухфалар»), «Лаб-э лубоб-э маснавий-э Руми», «Зод-ул-мусофирин», «Нувсол-е аср», «Авомул».

4. Давлатни бошқариш тўғрисидаги асарлари: «Ахлоқи Мухсиний», «Жавоҳирул тавсиф фи тухфат ул амир» («Тафсиф жавоҳирлари ва амир совғалари»), «Тухфат ас-салават».

5. Кимёга оид асарлари: «Мафотех-ул кунуз фи-кимий», «Асрор Қосимий дар илми кимё, симё, римё, химё, мухтимал бар тиллосим ва шафобад ва ғаройим тасхирати маснафий».

6. Астрономияга оид асарлари: «Лавойихул қамар», «Сабъаи Кошифия», «Ихти йарат ан-нуджум», «Лаби лавойихул камари фи ла хъайорот».

7. Математикага оид асарлари: «Рисола дар илми аъдод».

8. Воизлик санъатига оид асарлари: «Даҳ мажлис», «Махзан ул иншо» («Саҳифаи шоҳи»), «Иншо».

9. Мусикага оид асарлари: «Тух-фат ат-Тафсир».

10. Диний асарлари: «Тафсир мавоҳибул халид маъа Куръони Карим», «Ба фоири Куръон мавоҳиб ул досир», «Мухтасар ал-Джавоҳир», «Равзат уш-шухадо», «Тафсир мавоҳибул халид халалин маън ал-қуръон», «Тафсирэ Хусайн ма Куръон», «Тасхил ал-байоён фи тафсири ал-Куръон», «Рисолайи алия фи-ал-аҳадиса набавийа», «Файз-ул навол фи баён-из-завол».

11. Тасаввуфга оид асари: «Зод-ул мусофирин», «Футувватномаи Султони».

12. Бадиий асарлари: форс ва ўзбек тилларидаги икки шеърлар, ғазаллар девони. «Матлаъ-ул анвор», «Анвори Сухайлий» («Калила ва Димна») ва бошқалар.

13. Тиббиётга оид асарлари: «Лубабул-боб», «Рисола дар аврод ва адвия».

14. Географияга оид: «Ал рисолатул хамия фа ал хадис набивията Хирот».

15. Турли фанларга оид бошқа асарлари: «Энтэйорат ул-Кошифий», «Ал лубаб ал маънавий фи интиҳоб ул маснавий», «Китоби ул маънави фи интиҳоб ул ашъори», «Суврат ис ва фатх ва ал-воқеа тафсирлари», «Суврати ална ад-майда ал-лаарондан бошқа сўзлар», «Тафсир сурату фатх ва тар вафъа», «Хохар-ул исрон ва заво ҳабул-унвон», «Хозарул тафсир тухфати-ал амир», «Марсадас асний дар истихроди асмо Хасаний», «Тафсири ояот фарона», «Тафсирий аятимироз», «Ал хидойикул лохул кабилар».

Хусайн Воиз Кошифий баъзи олимлар айтганларидек, фақат Куръон ва ҳадисларни тарғиботчиси эмас, балки ахлоқшунос, файласуф, шоир, ёзувчи, химик, астроном, математик, мусикашунос, адабиётшунос, тилшунос қисқаси қомусий олим сифатида XV асрда Хиротда, Хуросон давлатида машҳур бўлган мутафаккир эди. Биз тадқиқотимизда асосан унинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий дунёқараши ҳақида фикр юритамиз. Ахлоққа, фалсафага оид баъзи асарларига муносабат билдирамиз. Бошқа соҳалардаги асарлари бўйича фикр юритиш мавжудлигини ўз бўйнимизга олмаймиз.

Хусайн Воиз Кошифий – таржимон. Мутафаккир III–IV асрларда Ҳиндистонда яратилган машҳур ҳинд хикматномаси «Калила ва Димна» асарини араб тилидан форс тилига таржима қилган. Чунки Шарқ халқлари ўртасида кенг тарқалган бу асарни оддий халқни тушуниши қийинлашиб қолади. Хусайн Воиз Кошифий асарни фақат таржима қилиб қолмайди, балки уни янгидан ижодий қайта ёзади, тўлдиради.

Асарни оддий халқ тушунадиган қилиб содалаштиради. Кўп жимжимадор сўзларни, бирикмаларни олиб ташлайди. Асарга жуда кўп қўшимчалар киритади, янги боб, мазмун билан бойитиб уни «Анвори Сухайлий» деб қайта номлайди.

Академик Воҳид Зоҳидов «Калила ва Димна»га ёзган сўз бошисида бу асарни Хусайн Бойқаронинг буйруғи билан Воиз Кошифий таржима қилган, – деб, маълумот берами. Адабиётшунос Раҳим Воҳидов эса шундай ёзади: «... Аммо XV асрга келиб бу асарни («Калила ва Димна» – Р.М.) тушуниш анча қийинлашиб қолади. Буни ҳисобга олган Шайхим Сухайлий ўз даврининг забардаст олими ва ёзувчиси Хусайн Воиз Кошифийдан шу асарни қайта таҳрир қилишни илтимос қилиб, унга барча шарт-шароитларни яратиб беради. Ишни ниҳоясига етказган Хусайн Воиз Кошифий Сухайлийга бўлган чексиз эҳтироми рамзи сифатида янги таҳрирдаги китобни «Анвори Сухайлий», – деб атайди, дейди [16]. Бизнингча, ҳар икки фикрда ҳам ҳақиқат бор. Асарни таржима қилишга Хусайн Бойқаро буйруқ берган, Сухайлий эса Хусайн Воиз Кошифийнинг ишлаши учун шарт-шароит яратиб берган бўлиши мумкин. Шунинг учун Хусайн Воиз Кошифий асарни Сухайлийга бағишлаган бўлиши

хақиқатга яқинроқдир. Шундан кейин бу асар бутун Шарққа ва Марказий Осиёга яна ҳам кенг тарқалади. Эски ўзбек тилига ҳам бир неча марта таржима қилинади.

Адабиётшунос олим Нажмиддин Комиловнинг «Бу қадимий санъат...» асарида ёзишича, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Анвори Суҳайлий» («Калила ва Димна») асарини Муҳаммаднийез бинни Мулло Нуруллох Урганжий ал-Хоразмий 1838 йилда ўзбек тилига таржима қилади. Муҳаммаднийез Ҳусайн Воиз Кошифийнинг бу таржимасига юксак баҳо беради. «Ўлик жон топқондек ва қари йигит бўлгондек» бўлиб бутун Хуросон вилоятида машхур бўлганлигини қайд этади [17].

Баъзи олимлар «Анвори Суҳайлий»ни тўғридан тўғри Ҳусайн Воиз Кошифийнинг асари деб айтадилар. У «Калила ва Димна»нинг таржимаси эканлигини айтмайдилар [11]. Лекин «Калила ва Димна» яқинда Кошифий муаллифлигида нашр қилинди [18].

«Анвори Суҳайлий» асарида кизикарли, аллегорик образлар ёрдамида донишмандлик, инсонпарварлик, юксак ахлоқийлик ғоялари илгари сурилади. Бу асар XV асрдан буён Ҳусайн Воиз Кошифий таржимаси орқали Шарқда машхур бўлади. Асар инсонпарварлик, адолатпарварлик поясини илгари суради.

Ҳусайн Воиз Кошифий асарларининг чет тилларига таржимаси ҳақидаги мулоҳазаларим: Мутафаккирнинг кўпгина асарлари ҳали тирик пайтларидаёқ турли тилларга таржима қилинади. Шунингдек, айни кунларда ҳам унинг баъзи бир насиҳатомуз гаплари «Донишмандлар одоб-ахлоқ ҳақида», «Ҳикоят ва ривоятлар» каби асарларда ва «Тошкент окшоми» газетасининг 1983 йилги қатор сонларида захматкаш олим Шорасул Зуннун ва Маҳмуд Ҳасановлар таржимасида босилган. Бу таржималарни айримлари жуда яхши, аммо баъзилари ижодий ўзлаштирилган, газетага мослаштирилиб, ўта соддалаштирилиб, ўзбек тилига кўчирилиши натижасида баъзан асл моҳиятини йўқотиб қўйган. Ш.Зунунов таржимасидаги куйидаги гапларни оригиналга солиштириб кўрдик. Бу «Ахлоқи Мухсиний» асарининг 18 – «Хулқ ва мулойимлик» бобидан олиб таржима қилинган. Китобда: «Гўзал феъл-атворнинг нишонаси ўн нарсадир: биринчи нишонаси – яхшилик, иккинчиси – инсофли бўлиш, учинчи – бошқа одамдан айб кидирмаслик, тўртинчи – бирор кишида ножўя ҳаракат кўрса, уни яхши йўлга бошлаш, бешинчи – бир одам ўз айбига иқроор бўлиб узр этса, узрини қабул қилиш; олтинчи – бошқалар учун машаққатни ўз устига олиш, еттинчи – фақат ўз манфаатинингига кўзламаслик; саккизинчи – очиқ юзли, ширин сўзли бўлиш; тўққизинчи – муҳтожларнинг ҳожатларини чиқариш; ўнинчи – мулойим ва тавозели бўлишдир» [19]. Энди бизнинг кўлимиздаги оригиналга эътибор беринг: 1–нишонаси – яхши иш борасида элга муҳолифат (тескари) иш қилмаслик; 2 – ўз нафсидин инсоф кўргузмок; 3 – киши айбини истамамак; 4 –ҳар кишидин ношойиста қору бор содир бўлса ани яхшилик ишига солмок; 5 – гуноҳқор гуноҳидин узр айтса қабул қилмок; 6 – муҳтожларни ҳожатидан чиқармок; 7 – киши учун машаққат тортмок; 8 – ўз нафсини кўрмаслук (ўз нафсини тиймак); 9 – киши ҳалойиққа юзин тоза кўргузмок; 10 – кишига яхши сўз айтмок» [20]. Келтирилган парчадан кўриниб турибдики, Воиз Кошифийнинг асосий фикрлари ва бази жиҳатлари таржимада акс этмай қолган. Китобхонга жуда соддалаштириб берилган. Натижада асар мазмунидан биров четга қочиш рўй берган. Бунга ўхшаш ҳолни М.Ҳасанов ва О.Усмонова таржималарида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, професор А.Мадраимов нашрга тайёрлаган китобда ҳам кўриш мумкин. Ҳатто айрим боблар чала таржима қилинган [20]. Ҳолбуки, форс ёки араб тилидан қилинган таржимада ҳам асосий мазмун тўла сақланиши талаб этилади.

Ҳар бир инсоннинг дунёқараши у яшаётган муҳит, давр тақозоси, таъсирида шаклланиб боради. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг дунёқарашини шакллантиришда ўтмиш мутафаккирлари Форобий, Беруний, Ибн Сино, Насриддин Тусий, Тафтазоний, Журжоний, Давоний, Камол Хўжандий, Лутфий, Дурбек, Қозизода Румий, Улуғбек, Жомий, Навоийларнинг илгари сурган ғояларининг таъсири катта бўлгани шубҳасиздир. Кошифий яшаган XV асрда Шарқда юнон илми, фалсафаси, маданияти кенг тарқалган эди. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг табиий фанларга қизиқишида Аристотель, кўпгина табиатшунос олимлар, шу жумладан, ўзбек олими Улуғбекнинг маълум даражада таъсири бўлган, албатта. Мутафаккирнинг одоб-ахлоқ билан шуғулланишига эса асосан давр, Шарқ ахлоқий-фалсафий фикри анъаналари таъсири, хусусан, Насриддин Тусий, Саъдий Шерозий ва инсонпарвар шоир Алишер Навоийнинг катта таъсири бўлган. Кошифий Аристотель, Улуғбек қарашларидан, Навоийнинг инсонпарварлик ғояларидан чуқур баҳраманд бўлган ва ўзининг янги илғор ижтимоий-сиёсий-ахлоқий фикрларини илгари сурган. Бундан ташқари, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ахлоқий қарашларини вужудга келиши ва шаклланишида мамлакатда давом этаётган тож-тахт учун қурашлар, халққа

кўрсатилаётган адолатсизликлар, нопокликлар, алдамчиликлар ва бошқа кўпгина салбий жиҳатлар ўз таъсирини кўрсатган. Воиз Кошифий воиз сифатида ҳар куни оддий халқ ичида юрди, уларнинг ҳаёти билан яқиндан танишди, орзу–армонларини, норозиликлари сабабларини ўрганди. Оддий халқ адолатсизликнинг қурбони бўлаётганини, алдашлар, айёрликлар, таъмагирликлар кучайганини ҳар қадамда учратади. Бу аҳволдан ўз навбатида Воиз Кошифий ҳам кўп норизо бўлади, азият чекади. У кишиларни инсофга чақириш, подшо ва унинг хизматчиларини сахий, очик кўнгил, меҳрибон, адолатли, меҳнатсевар, ҳалол, пок бўлишга чақириш билан чекланди. Бу ғоялар Воиз Кошифийда ўз–ўзидан вужудга келиб қолмади. **Биринчидан**, юқорида таъкидлаганимиздек, ўзидан олдин яшаб ўтган мутафаккирларнинг таъсири натижаси бўлса, **иккинчидан**, бу ғоялар ҳаёт, турмуш тақозоси билан вужудга келди. **Учинчидан**, бу ғоялар Кошифий Навоийга, Ҳусайн Бойқарога яқин бўлгани учун ҳам замонасининг ўткир муаммолари ҳал қилинаётганида, кўп ҳолларда маслаҳатчи сифатида қатнашган пайтида туғилган. Булардан ташқари, устозлари Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг барча асарларида ҳам инсонпарварлик ғоялари илгари сурилган эди. Бу Кошифий ижодига, дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатганди. «Алишер Навоий XV асрда Шарқда ҳукмрон бўлган ўта мистик мафкура таъсирига берилмади ва унга қарама–қарши фан, маданият, ахлоқ соҳаларида илғор ғояларни олға сурди» [20], – деб ёзган эди академик И.Мўминов. Ҳақиқатан ҳам Алишер Навоий ижодида ўз даврига нисбатан анча илғор ғоялар асосий ўринни эгаллайди. Воиз Кошифий, ҳатто, Ҳусайн Бойқарони ҳам адолат ва инсофга чақиради, саройдаги фиск–фасод, урушларини, айш–ишратларни танқид қилади.

Ҳусайн Воиз Кошифий ижоди жуда мураккаб, ранг–баранг, сероҳангдир. У инсонпарварлик, илм–фан, ватанпарварлик, ҳаёт мазмуни, сахийлик, адолатлилик каби йигирмадан ортиқ долзарб ғояларни илгари суради. Ҳусайн Воиз Кошифий олға сурган бу ғоялар ўз навбатида унинг замондошлари ижодига ҳам катта таъсир этган. Гарчи Ҳусайн Воиз Кошифий Абдурахмон Жомий, Навоийлар даражасида машҳур бўлмаган бўлса–да, баъзан улар айта олмаган фикрларни ҳам дадиллик билан айта олган.

Ҳусайн Воиз Кошифий ахлоқий таълимотининг фалсафий асослари, «Ахлоқи Мухсиний», «Ахлоқи Карим», «Футувватномаи Султоний», «Рисолати Хотамиа», «Тафсири Ҳусайний» асарларида мукамал баён қилинган. Марказий Осиё халқлари маданиятининг ривожланиши тарихи мамлакатларда синфий жамиятнинг шаклланиши ва қарор топиши, Ғарб ва Шарқ халқлари маданиятининг ўзаро таъсири, ҳамкорлиги жараёни билан чамбарчас боғланган ҳолда тараққий қилиб борган. Бу даврда ижтимоий–фалсафий фикр соҳасида жуда катта аҳамиятга эга бўлган янги оқим вужудга келди. Воиз Кошифий ҳам бу оқимдан ташқарида қолмади. Балки унинг олам, ҳаёт, табиат, инсонларнинг хатти–ҳаракати, ақлнинг ўсиб бориши ҳақидаги фикрлари чархланади:

Ғанимат бил ҳаётинг фурсатини,

Ўтуб кетмасидан илқингдан баногоҳ.

Ёки:

Кушким зилол суйидин ул беҳабар эрур,

Аччиғ су ичмаки била умрини ўтқарур.

Яна:

Умр ўтаверади унинг кадрига етмак керак [20], –

каби ҳаётнинг ўткинчилиги ҳақидаги олимнинг пурҳикмат фикрлари борки, улар ҳар доим кишини ўйлантиради, кенгрок мушоҳада юритишга чорлайди.

Воиз Кошифий юқорида таъкидлаганимиздек, у илоҳиётчи, воиз, шу билан биргаликда ёзувчи, олим ва файласуфдир. Кошифий кишиларни хушёрликка чақиради. Инсонга умр бир марта берилади, у ўтаверади, лекин асосий гап эса уни мазмунли, хушчақчақ, гойдали, мақсадли ўтказишда эканлигини айтади. Халққа, жамиятга, келажак авлодга хизмат қилган инсон яхшидир, деб оддий хулоса чиқаради мутафаккир ва кишиларни ҳаётнинг кадрига, ўтаётган умрни, вақтнинг кадрига етишга чақиради.

«Жидду–жаҳд (ҳаракат) бирга ақлга келмас,

Улуғлик иморатлари бунёдга келгай» [20], –

дейди Кошифий. Бу билан у инсон ўз ақли, иродаси ва ҳаракатлари орқали кўп иш бажариши мумкин, инсонни ўз ақли ва иродасига ишонишга чақиради.

«Ақл темаси ўрта аср фалсафаси учун хос бўлган специфик масала – ҳақиқатнинг икки томони ёки икки хил ҳақиқат масаласи билан узвий боғлиқдир. Бу тема ўрта аср ва уйғониш даври (Шарқда ва

Европада) фалсафасининг деярли барча йирик вакилларининг диққатини ўзига жалб этган, уларнинг асарларида у ёки бу шаклда ўз ифодасини топган. Бу мавзуга шу қадар эътибор берилиши дунёвий маданият тараққийсининг ана шу масалани ҳал этишга эҳтиёж кучли эканлигини ва шу билан бирга, ўша даврдаги табиий–илмий билимлар ривожига ақл темасидек мураккаб фалсафий масалани ҳал этиш билан боғлиқ эканлигини кўрсатади»[20], – деб ёзади академик М.Хайруллаев.

Ҳусайн Воиз Кошифий инсон фаолиятида ақлнинг ролини улуғлайди. «Ақлнинг шарти будурки, то имкон борича фаришталик насибатига қувват бергай ва ҳайвонот нисбатига майл қилмагай»[20]. Мутафаккир ақлга катта баҳо бериб, уни инсон учун керак бўладиган зарур нарса деб тушунади. У инсонни мукамал қилувчи, номуносиб ҳаракатдан чегараловчи маънавий қувват деб билади. Лекин у ақлни идеаллаштирамайди. Ақл аста–секин вужудга келиб мукамаллашуви, ўсиши мумкинлигини айтади. Инсонни ҳайвонот дунёсидан ажратиб турувчи нарса бу ақл, яъни онгдир, – дейди. Кошифий қарашларидаги илғор, ибратли жиҳат шу эдики, у инсон, унинг ақли ва онгининг табиат, моддийликка нисбатан нисбий мустақиллик, ижодий фаоллигини кўра билган. Бундан кўринадики, Воиз Кошифий гарчи илоҳиётчи бўлса–да, табиатни, онгни, яъни инсон ақлини тўғри тушунади, борлиқ, ҳаёт ҳаракатдан иборат эканлигини кўрсатади. Воиз Кошифийнинг «қўл қуввати кўнгул қувватига тобеъдур»[20], деган сўзларида ҳам, умуман объектив борлиқни, табиатни тўғри тушунганлигини кўриш мумкин.

«Мулку миллат асбоби анинг юмни бирла муҳайё бўлуб тузолур ва адлнинг савоби ҳисоб ҳаддин нори ва қиёси ақлдин ташқоридур» [20]. Табиатдаги, оламдаги ҳамма нарсанинг пайдо бўлиш сабаби яхшиликдандир ва адолатнинг эса тўғрилиги, хатосизлиги, чегараси эса ақлдан ташқаридир, – дейди Кошифий.

«Бузурғлар айтибдурларки, ҳамма ҳалойиқ ақлга муҳтождур ва ақлни тажрибага эҳтиёжи бордур. На учунки тажриба ақлни «ойнасидурки», анда иш салоҳи сувратин мушоҳада қилур» [20]. Мутафаккирнинг бу фикри ўз даврига нисбатан илғор, содда, табиий илмий дунёқараш ва инсонпарварлик ғоялари акс этганлигидан далолат беради. Негаки, юқорида айтганимиздек, Кошифий ақлни инсон учун керак, – дейди. Тажрибани – ақл ойнаси деб тушуниши Кошифий замонасининг энг олд мавқеида турганлигини кўрсатади. Ақл орқали вужудга келтирилган ғояни тажриба амалга оширади. Шунинг учун ҳам Кошифий тажрибани ақл ойнаси деб атайтиди.

Воиз Кошифий ақлнинг инсон учун энг кўркам фазилат, мўъжизакор қудрат, катта иқтидор эканини айтади. У ақлли инсонни катта бойликка эга бўлган ҳар қандай кишидан ҳам кучли бўлишини таъкидлайди.

Ўрта аср Яқин ва Ўрта Шарқ, жумладан Марказий Осиё фалсафасида ақл назарияси академик М.Хайруллаев таъкидлаганидек, жуда муҳим ўрин тутаети. Воиз Кошифий ҳам шунинг учун ақл мавзусига кўп бор мурожаат этади. У оламни билиш мумкинлигини айтади. Кошифий шунинг учун ҳам фанга, билимга, тажрибага, инсон ақли қудратига ишонган ҳолда табиатшунослик фанлари: математика, астрономия, химия, география, тиббиёт каби соҳасида қатор асарлар яратган. Бу асарлар бутун Мовароуннаҳрдаги мадрасаларда ўқув қўлланма, дарслик вазифасини бажарган. Бундан ташқари бу асарлар Султон Али Машҳадий аби машҳур хатотлар томонидан кўп бор кўчирилган.

«Ўзбекистонда фалсафий фикр жуда қадимдан мавжуд бўлиб, ҳар бир тарихий даврда ўз замонасининг ижтимоий ҳаётини ва ғоявий ривожланиш даражасини ифодалаган»[21], – деган эди академик И.Мўминов. Лекин баъзи Ғарб олимлари масалан, А.Шастери кабилар Форобий, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Кошифий, Давонийларнинг олға сурган фалсафий қарашларини тўлиқ кўра олмайдилар ёки тан олишни истамайдилар. Форобийни – Аристотелнинг таржимони деб баҳолайдилар. Бошқа мутафаккирларни ҳам динни тарғиботчилари, қадимги грек фалсафасининг таржимонлари деган фикр билдирадилар.

Шарқ халқлари ўтмиш маданияти, ижтимоий–фалсафий фикри диний мистик қарашлар, зоҳидлик қайфиятлари ислом ақидалари ва шариат талаб нормаларидан иборат, бу мерос билан ҳозирги маданият, илмий дунёқараш ўртасида ҳеч қандай яқинлик, боғлиқлик йўқ, деб таъкидлаш баъзи Ғарб мафкурачиларининг ғаразли мақсадлари билан изоҳланади. Чунки ҳозирги маданият ва санъатимизни вужудга келиши ва ривожланишида уларнинг жуда катта таъсири бор.

Тўғри, XV асрда Марказий Осиё, Эрон, Афғонистонда ислом, шариат халқ оммаси ўртасида кенг тарқалган, жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётида ҳукмрон мавқега эга эди. Шаҳобиддин Ҳамадоний, Хўжа Ахрор, Жалол Косоний каби дин пешволари диний ахлоқни тарғиб этиш билан бирга кишиларни

сабр–тоқатли, адолатли бўлишга, ҳалол, пок яшашга, имонли, инсофли бўлишга чақирадилар. Исломики кишилардаги барча хислатлар тақдирда берилади, – деб таълим беради. Исломики ақидаларидан Абу–л–Ҳасан ал Ашарийнинг «Ал–Иъбана фи–усул–ад–Дийана» китобида инсоннинг хулқи, хатти–ҳаракати, ўй–фикри у она қорнида бўлганидаёқ, аввалдан илоҳий белгилаб қўйилади, деб кўрсатилади [21].

Диний, исломики ақидаларини тарғиб қилувчилар билан биргаликда дин пешволарининг фикрларига гоҳ очик, гоҳ яширин, қарама–қарши равишда дунёни моддий, ҳаёт фақатгина шу воқеликдаги дунёдан иборат деб тушунтирувчи таълимот ва қарашлар ҳам мавжуд эди.

Булардан ташқари Кошифий қарашларида хурфикрлилик майлларини ҳам кўриш мумкин. Воиз Кошифий ўрта аср мафқураси ҳисобланган исломики динини ривожлантирган объектив воқеликни ҳам эътироф этган. У инсон ақл–заковати олдида баъзи мўъжизалар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслиги ҳақида ибратли фикрларни ҳам илгари сурадики, бу ўша давр учун илғор фикр эди.

«Эй худо, агар сен гуноҳларимни кечсангда, бари бир виждоним олдида уяламан»[20], – дейди Кошифий. Диний ақидаларга кўра ахлоқлиликнинг, гуноҳқорликнинг асосий белгиси худога сиғиниш, унга эътиқод, хайр–садақа қилиш орқали намоён бўлади. Агар худо инсон гуноҳидан кечса, у соф, яъни гуноҳсиз ҳисобланади. Кошифий эса гуноҳини худо кечган тақдирда ҳам виждоним олдида гуноҳқорман, уятлиман, дейди.

«Кимки иродали ва қатъиятли бўлса, ўша киши ўз мақсадига тез етишади» [20], – деб Кошифий кишиларни иродали, қатъиятли, саботли бўлишга чақиради. Инсонни иродали қатъиятли бўлиши ҳам инсоний фазилат эканлигини айтиб, киши бу фазилатлар орқали ўз мақсадига, орзусига етишиши мумкинлигини таъкидлайди.

Исломики мусулмонлар олдида қўйиладиган талаблардан бири итоатқорлик, тобелиқдир. Худо энг қудратли (ал–Қодир), энг қучли (ал–Кави), ҳаёт берувчи (ал–Мухйи), билувчи (ал–Олим), кўрувчи (ал–Басир), эшитувчи (ас–Сами), у инсонни қандай яратган бўлса, пешонага, тақдирга нима ёзилган бўлса, шуни бошидан кечириши шарт, деб ўргатади.

«Виждони, номуси, диёнати бўлмаган киши дунёда бўлган ҳамма ёмонликни қилишга тайёрдир»[20], – дейди Кошифий. У инсонийлик, ахлоқлилик аниқ хислатларга, ўша хислатларни вужудга келишига имконият яратган макон ва замонга боғлиқлигини баён қилади. Инсоннинг – инсонлиги унинг виждонлигига, диёнатлигига, ор–номуслигига боғлиқ, бу ахлоқлилик белгисидир. Демак, Кошифий ҳар бир инсондаги ахлоқий хислатлар унинг ўзига, реал борлиққа, имконият ва воқеликка боғлиқ эканлигини айтади.

Кошифий фикрича, инсон дунёни кадрлаши керак, ҳаётидаги қийинчиликларни енгиши зарур ва иложи бўлмаганида эса уларга бардош бериши кераклигини уқтиради. Кошифий юқоридаги асариди: «Юксак ахлоқий ва софдил киши ҳеч қачон меҳнатдан қўрқмаслиги керак»[20], деб меҳнатни унинг ижтимоий–сиёсий мавқеини улуғлайди. У инсонни том маънодаги яхши яшаши, унинг меҳнати орқали вужудга келишини таъкидлаб, меҳнат юксак ахлоқлилик ва софдиллик белгиси сифатида кўрсатилади. Бундан ташқари, у касбли–ҳунармандларни энг софдил инсонлар деб, улар меҳнатини ҳурматлайди. Кишиларни меҳнат қилишга, ҳалол яшашга даъват этади. Кошифийнинг бу ибратли фикрлари нафақат XV аср, балки бугунги кун учун ҳам жуда аҳамиятлидир. Кошифий кишилардаги одоблиликни тўғрилиқ, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, қатъиятлик, вафодорлик, камтарлик, софдиллик, мурувватлиликни ахлоқ мезонларидан деб билади. Бундай хислатли кишиларни у улуғлайди, аксинча, бахил, хасис, ишёқмас, жоҳил, хиёнатқор, фирибгар кишиларни эса қоралайди.

«Софдиллик, ростгўйлик ва мурувватлилик – бехатарлик ва ишонч гаровидир»[20], – дейди Кошифий. Мутафаккирнинг фикрича, софдиллик, ростгўйлик инсон зийнати, бехатарлик ва бир–бирига ишонч гаровидир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ҳусайн Воиз Кошифий инсонни яхши яшаши учун керак бўладиган ҳаракати унинг ҳаёти мазмунини белгилайди, деган фикрга келади. Кошифийнинг диний тасаввуф таълимотига қўшган катта ҳисса ўндан ортиқ асарларида ўз аксини топ ган. Бу алоҳида мавзу. Ҳусайн Воиз Кошифий фалсафий қарашлари ахлоққа, борлиққа, яъни ҳаракат, инсон ақлига, инсоннинг билиш қобилиятини ўзгаришига асосланади. Унинг фикрича, борлик, ҳаёт, яъни ҳаракат барча мавжуд нарсаларнинг асосидир. Инсон барча яхши хусусиятларини, хатти–ҳаракатини, ақл–фаросати орқали вужудга келтиради. Кошифийнинг таълимотича, ҳаёт – борлиқ, мавжудликни ҳеч ким вужудга келтирмаган, абадийдир. Унинг онгга бўлган муносабати ҳам илғор. У инсон билим олишга интилса, ўз устида ишласа, ақли кўп бўлади,– дейди.

Хусайн Воиз Кошифийнинг ахлоқий таълимотининг фалсафий асоси, демак, ҳаёт, давр, билим, ақлдор. Жамиятдаги талаб ва одатлар, қонунлар ахлоқий покликни шакллантирадиган асос ва меъёрлардир. Билишнинг вазифаси воқелик, табиат, борлиқ қандай бўлса, уни ўшандай ўрганиш, текшириш, унинг моҳиятини кўрсатиш бўлса, ахлоқнинг вазифаси инсон учун нима фойда-ю, нима зарарли эканлигини англаш, ёмонликни йўқотиш, яхшиликни вужудга келтиришдан иборатдир. Кошифий ахлоқ-одоб ҳақидаги ғояларини оддий меҳнаткашлар манфаати нуқтаи назаридан келиб чиқиб илгари суради.

Табиат, инсон ва унинг ўзлиги, дин, тасаввуф, таълим-тарбия, адолатпарварлик, яхшилик, ёмонлик ва бошқа масалалар Воиз Кошифий фалсафий қарашлари доирасини ташкил этади. Шу билан биргаликда унинг фалсафий қарашлари зиддиятли ва мураккаб: у объектив моддий дунёни эътироф этади ва айни пайтда уни маълум маънода илоҳийлаштиради. Шунга қарамай, Воиз Кошифий кўп масалаларни тушунишда замондошларидан илгарилаб ҳам кетади.

«Бу даврнинг олими – ўша даврда мавжуд бўлган илмнинг барча соҳаларидан хабари бўлган ўзига хос энциклопедист эди. Аниқ фанлар соҳасида мутахассис бўлса ҳам филолог, файласуф ва ҳатто диншунос бўлса, бундай олимлар Ҳаким деган ҳурматли унвонга сазовор бўлганлар. Шу билан бирга, бу даврда файласуф термини ҳам қўлланилар эди, лекин бу термин шу номни олган олимнинг расмий сунний исломдан узоқ турганини кўпинча, қадимги грек фалсафаси билан шуғулланишни кўрсатар эди»[22], – дейди машҳур шарқшунос олим Е.Бертельс. Ҳақиқатан ҳам Шарқ заминига кўчган юнон маданияти, асарлари ҳам Шарқда илм, фалсафа ривожига муайян ҳисса қўшганлигини машҳур олимлар файласуфлар етишиб чиқишида муайян роль ўйнаганлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Хусайн Воиз Кошифий асарлари ўз даврида бутун Мовароуннаҳр мадрасаларида ўқув қўлланма, дарслик вазифасини бажарган. Аллома Хусайн Бойқаронинг давлат воизи, Алишер Навоийнинг дўсти, шогирди, устози бўлсада Ўзбекистонда унинг асарлари ниҳоятда кам ўрганилганлигининг биринчи сабани ғарб олимлари теолог, ислом дини тарғиботчиси деб билганлари, иккинчидан, Хусайн Воиз Кошифий асарлари форс тилида ёзилганлиги, учинчидан олимнинг асарлари ўқуш қийин бўлган насх, пульс, насталиҳ ёзувининг район услубида кўчирилганлиги мамлакатимизда нисбатан кам ўрганилишига сабаб бўлган.

Хусайн Воиз Кошифийнинг ижтимоий-сиёсий. Ахлоқий қарашлари бўйича Р.Маҳмудов 1991 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Хусайн Воиз Кошифий ҳақида 50 дан ортиқ мақолалар эълон қилган [23] – [29].

Хулоса қилиб айтганда, Хусайн Воиз Кошифийнинг ахлоқий-фалсафий қарашлари Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида, хусусан Марказий Осиё ва Хуросонда ўзининг гуллаб-яшнаш босқичига кирган феодал жамиятга хос бўлган барча ички зиддиятларни – жамиятни ривожлантиришдан объектив манфаатдор бўлган синфлар, табақалар, муҳолиф кайфиятдаги кишиларнинг иқтисодий, сиёсий, ахлоқий ва бадиий эстетик манфаатлари, мақсадлари ва дунёқарашлари билан уларга қарама-қарши синфлар, табақалар, айниқса, оддий халқ манфаатлари, мақсадлари ва дунёқарашлари ўртасидаги қарама-қаршилик ва фарқларни ифодалар эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Тошкент. “Академнашр”. 2018. 230-бет.
2. А.Навоий замондошлари хотирасида (Тузувчи Б.Аҳмедов). Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1986, 85-бет.
3. Муродов А. Марказий Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Т. «Фан» нашриёти, 1971, 181-183-бетлар.
4. Кошифий. «Китоби Хотамнома». Форс тилида. ЎзР ФА А.Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв. № 4388.
5. Тагиржанов А. Описание таджикских и персидских рукописей. Ленинград: изд-во Ленинградский университет, 1962, стр.100.
6. Саид Нафисий. «История поэзии и прозы в Иране», М., 1967.
7. Азаматов М. Отойи ва унинг авлодлари. // «Гулистон» журнали, 1989 йил, 1-сон, 25-26-бетлар.
8. Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тоҷик. Китоби 2. – Душанбе: «Маориф» нашриёти, 1977, 319-бет (тоҷик тилида).
9. Нафиси С. «История поэзии и прозы в Иране». – М.: 1966, 40-53-бетлар.
10. Р.Маҳмудов. Хусайн Воиз Кошифийнинг фалсафий-ахлоқий қарашлари. Тошкент. “Мумтоз сўз”. 2015. 25-бет.

11. Муродов А. Марказий Осиё хаттотлик санъати тарихи. «Фан» нашриёти, Т., 1971, 181–бет.
12. Деххудо. Луғатнома. 51–т. Техрон, 1339 хижрий, 190–бет (форс тилида)
13. Собрание восточных рукописей. Под ред. и предисловие А.А.Семёнов, УзР, Т.,1955, I–III.
14. Р.Маҳмудов. Нравственное совершенствования человека как проблема культуры Средневековой региональных философских чтений молодых ученых, Фергана, 6-7 сентября 1985, 44-45 стр.
15. Р.Маҳмудов Ўрта Осиё мутафаккирлари ахлоқ-одоб ҳақида. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти 1990. 2 б.т.
16. Воҳидов Р. Сухайлий. Т - «Фан» нашриёти., 1976, 9–бет.
17. Комилов Н. Бу қадимий санъат... Т., 1988, 72–бет.
18. Хусайн Воиз Кошифий. Калила ва Димна. Душанбе:»Адиб» нашриёти, 1989 (тожик тилида).
19. «Оз–оз ўрганиб доно бўлур». Донишмандлар бисотидан, ҳикоятлар, масаллар, ҳикматлар (Таржимон Ш.Зуннунов). – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982, 57–бет.
20. Хусайн Воиз Кошифий. «Ахлоқи Мухсиний». ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инвентар № 13817. 18–боб. 88–бет.
21. Мўминов И. Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий–фалсафий фикрлар тарихига доир. – Т. ЎЗР ФА нашриёти, 1957, 11–бет.
22. Бертельс Е. «История персидско–таджикской литературы». – М., 1960, 111–бет.
23. Р.Маҳмудов. Навоий ва Кошифий. “Гулистон” журнали. 1988, 1-сон, 14-15 бетлар.
24. Р.Маҳмудов. Хусайн Воиз Кошифий. “Санъат” журнали. 1990, 3-сон, 14-15-бетлар.
25. Р.Маҳмудов. Воиз Кошифий – таълим-тарбия тўғрисида. “Совет мактаби” журнали. 1989. 6-сон. 8-10-бетлар.
26. Р.Маҳмудов. Навоий ва Кошифий. Рисола. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти. 1990.
27. Р.Маҳмудов. Хусайн Воиз Кошифий – ахлоқшунос олим. Услубий қўлланма. Тошкент. 1990.
28. Р.Маҳмудов. Юзни ўқиш санъати. “Ёшлик” журнали. 1991. 5-сон.
29. Р.Маҳмудов. Навоий ва Кошифий. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. 1991. 4-сон кабилар.
30. Р.Маҳмудов. Дегонимни улуска марғуб эт... Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти, 1992.

References:

1. G'iyosiddin Xondamir. Makorim ul-axloq. Toshkent. “Akademnashr”. 2018. 230-bet.
2. A.Navoiy zamondoshlari xotirasida (Tuzuvchi B.Ahmedov). G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti. T., 1986, 85–bet.
3. Murodov A. Markaziy Osiyo xattotlik san'ati tarixidan. T. «Fan» nashriyoti, 1971, 181–183–betlar.
4. Koshifiy. «Kitobi Xotamnom». Fors tilida. O'zR FA A.Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti qo'lyozmalar fondi. Inv. № 4388.
5. Tagirjanov A. Opisanie tadzhikskix i persidskix rukopisey. Leningrad: izd–vo Leningradskiy universitet, 1962, str.100.
6. Said Nafisiy. «Istoriya poezii i prozi v Irane», M., 1967.
7. Azamatov M. O'toyi va uning avlodlari. // «Guliston» jurnali, 1989 yil, 1–son, 25–26–betlar.
8. Mirzozoda X. Ta'rixii adabiyoti to'chik. Kitobi 2. – Dushanbe: «Maorif» nashriyoti, 1977, 319–bet (tojik tilida).
9. Nafisi S. «Istoriya poezii i prozi v Irane». – M.: 1966, 40–53–betlar.
10. R.Mahmudov. Husayn Voiz Koshifiyning falsafiy-axloqiy qarashlari. Toshkent. “Mumtoz so'z”. 2015. 25-bet.
11. Murodov A. Markaziy Osiyo xattotlik san'ati tarixi. «Fan» nashriyoti, T., 1971, 181–bet.
12. Dehhudo. Lug'atnoma. 51–t. Tehron, 1339 hijriy, 190–bet (fors tilida)
13. Sbranie vostochnix rukopisey. Pod red. i predislovie A.A.Semyonov, UzR, T.,1955, I–III.
14. R.Mahmudov. Nravstvennoe sovershenstvovaniya cheloveka kak problema kulturni Srednevekovoy regionalnix filosofskix chteniy molodi uchenix, Fergana, 6-7 sentyabrya 1985, 44-45 str.
15. R.Mahmudov. O'rta Osiyo mutafakkirlari axloq-odob haqida. Toshkent. “O'zbekiston” nashriyoti 1990. 2 b.t.
16. Vohidov R. Suxayliy. T - «Fan» nashriyoti., 1976, 9–bet.
17. Komilov N. Bu qadimiy san'at... T., 1988, 72–bet.
18. Husayn Voiz Koshifiy. Kalila va Dimna. Dushanbe:»Adib» nashriyoti, 1989 (tojik tilida).
19. «Oz–oz o'rganib dono bo'lur». Donishmandlar bisotidan, hikoyatlar, masallar, hikmatlar (Tarjimon

*** GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI ***

*** Gumanitar - ijtimoiy fanlar seriyasi, 2020. № 3 ***

Sh.Zunnunov). – T.: Gʻ.Gʻulom nomidagi Adabiyot va sanʼat nashriyoti, 1982, 57–bet.

20. Husayn Voiz Koshifiy. «Axloqi Muxsiniiy». OʻzR FA ShI. Qoʻlyozmalar fondi. Inventar № 13817. 18–bob. 88–bet.

21. Moʻminov I. Oʻzbekistonda progressiv ijtimoiy–falsafiy fikrlar tarixiga doir. – T. OʻzR FA nashriyoti, 1957, 11–bet.

22. Bertels E. «Istoriya persidsko–tadjikskoy literaturi». – M., 1960, 111–bet.

23. R.Mahmudov. Navoiy va Koshifiy. “Guliston” jurnali. 1988, 1-son, 14-15 betlar.

24. R.Mahmudov. Husayn Voiz Koshifiy. “Sanʼat” jurnali. 1990, 3-son, 14-15-betlar.

25. R.Mahmudov. Voiz Koshifiy – taʼlim-tarbiya toʻgʻrisida. “Sovet maktabi” jurnali. 1989. 6-soni. 8-10-betlar.

26. R.Mahmudov. Navoiy va Koshifiy. Risola. Toshkent. “Oʻzbekiston” nashriyoti. 1990.

27. R.Mahmudov. Husayn Voiz Koshifiy – axloqshunos olim. Uslubiy qoʻllanma. Toshkent. 1990.

28. R.Mahmudov. Yuzni oʻqish sanʼati. “Yoshlik” jurnali. 1991. 5-son.

29. R.Mahmudov. Navoiy va Koshifiy. “Oʻzbek tili va adabiyoti” jurnali. 1991. 4-son kabilar.

30. R.Mahmudov. Degonimni ulusqa margʻub et... Toshkent. “Oʻzbekiston” nashriyoti, 1992.

Муаллиф:

Маҳмудов Равшанбек Жалилович - Гулистон давлат университети профессори, фалсафа фанлари номзоди.